ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

«23» ноябрь 2017 yil Урганч ш.

№ 872к Нусха №

“Урганч-Хива” троллейбус йўналишида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги, “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги “Шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 455-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида”ги 482-сон қарорларига мувофиқ “Хоразм троллейбус бошқармаси” давлат корхонасининг алоҳида транспорт хизмати кўрсатишнинг сифатини ошириш, троллейбусларнинг барқарор ишлаши ва аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатилишини ва йўловчи ташиш хизматларига тарифларни асосли шакллантириш мақсадида

Қарор қиламан:

1. 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб Урганч шаҳри ҳамда “Урганч-Хива” йўналишида троллейбус йўловчилар ташиш транспорти хизматларининг чекланган тарифи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур йўналишларда қўл юки ёки багаж ташиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш Қоидалари”га мувофиқ амалга оширилсин.

3. Троллейбус йўловчи транспортидан айрим тоифадаги фуқаролар учун имтиёзли (бепул) фойдаланиш ҳуқуқи “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида амалга оширилади.

4. Вилоят молия бош бошқармасига (М.Давлатов), вилоят Давлат солиқ бошқармасига (Ж.Темуров) юқорида ўрнатилган тарифларнинг тўғри қўлланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Хоразм вилояти ҳокимининг 2014 йил 7 январдаги “Урганч-Хива” троллейбус йўналишида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини белгилаш тўғрисида”ги 2қ-сон қарори ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинсин.

7. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” ДУК (С.Садиқов) мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг xorazm.uz расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Э.Юсупов “Хоразм Троллейбус бошқармаси” давлат корхонаси (Р.Атаджанов) билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини аҳоли ўртасида тушинтириш ишларини олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар режасини икки кунлик муддатда тасдиқлатиш учун киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сапаев ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Э.Юсупов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **И.Сабиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XOKIMI PROTOKOL QISMI № 2

Вилоят ҳокимининг
2017 йил “ 23” ноябрдаги
872к - сон қарорига
илова

“Урганч-Хива” йўналишида қатнаётган троллейбусда йўловчилар ва багаж ташиш ҳақи

1. Йўловчилар ташиш ҳақи

Шаҳар ичи йўналишида	-	700 сўм
“Урганч-Хива” (бир томонга)	-	1200 сўм

2. Багаж ташиш ҳақи

Шаҳар ичи йўналишида	-	700 сўм
“Урганч-Хива” (бир томонга)	-	1200 сўм